



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (83) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (83)

2025

сентябрь

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

УДК 616.314-007.21:611-008

ҚИСМАН ТИШСИЗЛИҚДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ МИКРОБИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Раджабов Алишер Исломович <https://orcid.org/0009-0009-7535-9839>
Азимова Шахноза Шухратовна <https://orcid.org/my-orcid?orcid=0009-0009-9961-4398>
e-mail: shaxnozazimova86@gmail.com

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Беморларга ортопедик стоматологик ёрдам кўрсатиш сифати сезиларли даражада яхшиланганига қарамай, тишлар йўқлигида тиш-жағ тизимининг йўқолган функцияларини тиклаш муаммоси ҳали ҳам ҳал қилинмаган. Олинadиган протезлар учун организмнинг патологик реакцияларини ривожланишига сабаб бўладиган омилларга қуйидагилар киради: микроорганизмларнинг таъсири, протезни таркибини таъкил этувчи моддаларнинг аллергия ва токсик таъсири, протез асосининг протез ости тўқималарига иссиқлик изоляция таъсири, қон томирлари тонусининг пасайиши, қон ва лимфа оқимининг секинлашиши, томирлар деворларининг ўтказувчанлиги ва улар билан боглиқ экссудация жараёнлари – қон элементларининг ва қон плазмасининг чиқиши бузилади.

Калит сўзлар. қисман тишсизлик, оғиз бўшлиғи, микробиологик ҳолат, пластинкали протезлар.

КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ПОЛОСТИ РТА ПРИ ЧАСТИЧНОЙ БЕЗЗУБОСТИ

Раджабов Алишер Исломович <https://orcid.org/0009-0009-7535-9839>
Азимова Шахноза Шухратовна <https://orcid.org/my-orcid?orcid=0009-0009-9961-4398>
e-mail: shaxnozazimova86@gmail.com

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Несмотря на то, что качество ортопедической стоматологической помощи пациентам значительно улучшилось, проблема восстановления утраченных функций зубочелюстной системы при отсутствии зубов все еще остается нерешенной. К факторам, провоцирующим развитие патологических реакций организма на съемные зубные протезы, относятся: влияние микроорганизмов, аллергическое и токсическое действие веществ, входящих в состав протеза, теплоизоляционное воздействие основы протеза на ткани поддесневого протеза, снижение тонуса крови. сосудов, замедление кровотока и лимфотока,

Ключевые слова. частичная беззубость, полость рта, микробиологическое состояние, пластинчатые протезы.

CRITERIA FOR ASSESSING THE MICROBIOLOGICAL CONDITION OF THE ORAL CAVITY WITH PARTIAL TOOTHLESSNESS

Radjabov Alisher Isломovich <https://orcid.org/0009-0009-7535-9839>
Azimova Shaxnoza Shuxratovna <https://orcid.org/my-orcid?orcid=0009-0009-9961-4398>
e-mail: shaxnoza.azimova@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

Despite the fact that the quality of orthopedic dental care for patients has improved significantly, the problem of restoring the lost functions of the maxillary system in the absence of teeth still remains unresolved. The factors that provoke the development of pathological reactions of the body to removable dentures include: the influence of microorganisms, the allergic and toxic effects of substances that make up the prosthesis, the thermal insulation effect of the prosthesis base on the tissues of the subgingival prosthesis, and a decrease in blood tone. blood vessels, slowing of blood flow and lymph flow.

Keywords. *partial toothlessness, oral cavity, microbiological condition, plate prostheses.*

Тадқиқотнинг долзарблиги

Тишлар инсон ҳаёт фаолияти давомида энг муҳим саналган аъзолардан биридир. Қисман тишлари бўлмаган беморларни реабилитация қилиш ортопедик стоматологиянинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Қисман олинадиган пластинкали протезлардан фойдаланишда асоратларнинг асосий сабабларидан бири протез ости тўқималарининг шикастланиши ва унинг механик ортиқча босим тушиши, протез стоматитининг ривожланишига ва алвеоляр ўсиқнинг атрофиясига олиб келади. Қисман олинадиган пластинкали протезлар, протез ости тўқималарига чайнов босимининг нотекис тақсимланиши ортиқча босим тушадиган жойларда атрофия жараёнларининг кучайишига олиб келади [1.3.5.7]. Юз-жағ соҳасида оптимал нерв-мушак мувозанатига эришиш ва протезларнинг протез ости тўқималари билан ўзаро таъсирининг биомеханик жиҳатлари кўп окклюзион муносабатларни ва протез асосининг таянч тўқималарга бир хил босимини таъминлайди.

Стоматологиянинг жадал ривожланиши ва юз-жағ соҳаси касалликлари профилактикаси соҳасида, имплантология ва стоматологик касалликларини даволашда эришилган ютуқларга қарамай, олиб қўйиладиган ортопедик конструкцияли протезларга мухтож беморлар сони юқориликча қолмоқда. Олиб қўйиладиган тиш протезлари билан ортопедик даволанишга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги сабаблари орасида, оғиз бўшлиғи санациясининг етарли даражада эмаслиги, беморларнинг стоматологга ўз вақтида бормаслиги етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Тадқиқотнинг мақсади: қисман тишсизликда оғиз бўшлиғи анатомио-функционал ва микробиологик ҳолатини инобатга олиб турли хил усулларда тайёрланадиган тиш протезларини танлаш.

Материал ва тадқиқот усуллари

Тадқиқотнинг объекти сифатида 25 ёшдан -74 ёшгача бўлган 120 нафар ортопедик стоматологик давога мурожаат қилиб келган, қисман иккиламчи адентияси бор беморлар текширилган. Беморларни ўрганилаётган гуруҳга танланиб олишнинг асосий критерийлари бўлиб клиник – лаборатор тасдиқлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қисман тишсизлиги бор беморларнинг клиник ҳолатлари ва мушаклар функционал ҳолати бўйича маълумотлар олинган.

Натижа ва таҳлиллар


Беморларни текшириш жараёни босқичга бўлинган. Биринчи босқичда – бевосита бемордан анамнез тўпланган ва таҳлил қилинган, унинг касаллик нимадан бошланганлиги ва қандай ривожланганлиги ҳақидаги фикри тингланган. Иккинчи босқичда – беморнинг батафсил объектив кўриги ўтказилган. Беморлардан сўраб суриштириш жараёнида барча беморлар тишларини кариес асоратлари оқибатида ва парадонт касалликларидан йўқотган. Режага мувофиқ беморлар оғиз бўшлиғи тўлиқ санация қилиниб сўнгра қисман олинадиган тиш протезлари билан қисман тишсизлик тикланган.

Стоматологик кўрик ва текширув умумий қабул қилинган стандарт стоматологик асбоб-ускуналар тўплами билан ўтказилган: сўров, бемор шикоятлари, объектив кўрик, оғиз бўшлиғи шиллик қавати, тишлар ва тиш қаторлари, парадонт тўқималари, чайнаш мушаклари ва чакка-пастки жағ бўғимининг текшируви, беморнинг қандай шикоятлари борлиги аниқланган.

Клиник текшириш сўраб-суриштириш вақтида анамнез йиғилиб, маҳаллий ва умумий организм касалликлари бор-йўқлигига, сўлак ажралишига ҳам эътибор берилган. Беморларни


сўраб-суриштириш вақтида оғриқ, оғриқни таъсиротлардан пайдо бўлиши тишларнинг сезувчанлигини ошишига асосий эътибор берилган [2.4.6.7].

Стоматолог мутахассисига даволаниш учун мурожаат қилган 419 нафар беморларда Кеннеди таснифи бўйича 1-синф икки томонлама чегараланмаган қисман тишсизлик- 102 нафар беморларда, 2-синф бир томонлама чегараланмаган- 125 нафар, 3-синф бир томонлама чегараланган -113 нафар, 4-синф фронтал тишлар нуқсони 79 -нафар беморларда аниқланган (1-расм).



1-расм. Текширилган беморларни Кеннеди таснифи бўйича тақсимланиши n-419, нафар.

Текширган беморларнинг фақат пастки жағда қисман тишсизлик 25-44 ёшда 5,6 %, 45-59 ёшда 11,4 %, 60-74 ёшда 8,4 %, фақат юқори жағда шу ёш гуруҳларида 6,2 %; 13,1 %; 9,2 % ҳолатда учраган. Иккала жағда қисман тишсизлик эса 25-44 ёшда 8,6 %, 45-59 ёшда 15,2 %, 60-74 ёшда 23,4 %, ҳолатда учраган (2-расм).



2-расм. Қисман тишсизликни ёшга боғлиқ ҳолда тарқалишини даражаси, n-419, %


Беморларда олиб қўйиладиган тиш протезилари тақилгандан сўнг ортопедик даво самарадорлиқни баҳолаш анкета натижаларига асосланган. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини ва тиш протезларининг гигиеник ҳолатини Иорданишвили А.К., 2000 таснифи ва Каливрадзиян Э.С. 2003 усули ёрдамида баҳолаш амалга оширилган. В.Н. Царев 2000 усули билан биз микробиологик

тадқиқотлар натижаларини тишларнинг гигиеник ҳолатини аниқлашда фойдаландик. Барча олинган тадқиқот натижалари ва маълумотлар даволашнинг самарадорлиги қиёслаш мақсадида беморнинг картасига киритилган.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 419 нафар беморлар орасидан, 25 ёшдан -74 ёшгача бўлган 120 нафар беморларни асосий гуруҳга ажратиб олинган. 120 нафар текширилганлар Кеннеди таснифи бўйича 1 -ва 2- синф қисман иккиламчи адентияси бор беморлар асосий гуруҳга киритилган. 30 нафар Стоматологга мурожаат қилган лекин қисман тишсизлиги бўлмаганлар-назорат гуруҳига киритилган.

Тадқиқот давомида беморлар Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таснифиган асосан уч гуруҳга бўлинган. 25-44 ёш –ёшлар; 45-59 ёш- ўрта ёшли, 60-74 ёш- кекса ёшларга ажратилган.

Асосий гуруҳ беморлари 1- гуруҳга Кеннеди таснифи бўйича 1-синф икки томонлама чегараланмаган қисман тишсизлиги бор 49 нафар бемор ва 2-гуруҳга Кеннеди таснифи бўйича 2-синф бир томонлама чегараланмаган қисман тишсизлиги бор 71 нафар беморлар киритилган (3-расм).



расм. Асосий гуруҳ беморларни Кеннеди синфлари бўйича тақсимланиши n=120, нафар.

Текширилганларнинг 85 нафари эркаклар ва 35 нафари аёллар ташкил этган. Тадқиқотга жалб қилинган асосий гуруҳнинг 85 нафарини, назорат гуруҳидагиларнинг 18 нафарини эркаклар ташкил қилган бўлса, асосий гуруҳнинг 35 нафари, назорат гуруҳининг 12 нафарини аёллар ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқотга жалб қилинганлар, n=150 нафар

Жинси	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	abs	M±m,%	abs	M±m,%
Эркаклар	85	56,7	15	10
Аёллар	35	23,3	15	10
Жами	120	80	30	20
P	$\chi^2 = 41,043; p = 0,001$			

Стоматологик махсус текшириш усуллари: рентгенологик (ортопантограмма), тишлов баландлигини антропометрик ўлчаш, диагностик моделларни ўрганиш усуллари ўтказилган.

Беморларда сўровнома ўтказиш услуби – А.Н. Акбаров ва А.Х Жумаевлар (2021й) томонидан ишлаб чиқилган махсус сўровномадан фойдаланилган. Сўровноманинг асосини текширилувчилар протез ўрнатилганлар кейинги хиссиётлари ва ўтказилган ортопедик даволаш натижалари ҳақидаги шахсий фикрлари ташкил қилган. Олиб қўйиладиган тиш протезлари тақилгандан сўнг беморларнинг протезга қўниқиш муддатининг давомийлиги, протез асоси учун ишлатилган хом ашёга бўлган муносабатлари протезнинг дизайни ҳақидаги шикоятлар, протезларни эстетик кўриниши, протез сифати ҳақидаги фикрлари ва гигиеник сифати сақлаш шароитлари, олиб қўйиладиган тиш протезларни парвариш қилишнинг осонлиги, олиб

қўйиладиган тиш протезларнинг беморлар таъм билиш хусусиятларига таъсири, сўзлашганда харфларни талаффузида ҳалақит бериш бермаслиги, ва шунга ўхшаш турли саволлар берилган.

Олинадиган тиш протезларининг гигиеник ҳолатини аниқлаш усули - ушбу тадқиқот учун А.Н. Акбаров ва А.Х. Жумаевлар томонидан олиб қўйиладиган тиш протезлари юзасини гигиеник ҳолатини аниқлаш учун махсус усулидан фойдаланилган. Ушбу усул тишлари қисман йўқлиги бўлган беморларни ортопедик даволашдан сўнг, оғиз бўшлиғини гигиеник ҳолатини баҳолаш мумкин. Ушбу услуб қисман ва тўлиқ олиб қўйиладиган протезнинг юзасини олдинги ва ён бўлақларга ажратишдан иборат бўлиб, уларнинг чегаралари тиш протезидаги қозик тишларнинг ўртасидан чизилган чизик бўлиб, метилен кўк эритмаси билан бўялади, 5 сония давомида сув билан ювилади ва 10 сония давомида ҳаво оқими билан қуритилган, сегментларни бўялиши даражасига қараб тиш протезларининг гигиеник ҳолати аниқланган. Бу ҳолда олиб қўйиладиган протезнинг юзаси қуйидаги сегментларга бўлинган: 1 ва 2 сегментлар ўнг қозик тишдан чап қозик тиши томон тортилган тўғри чизикгача бўлган чизик билан чегараланади олдинги тишларнинг соҳаси, 3 ва 4 сегментлар - чайнов тишларининг соҳалари. Протезларнинг гигиеник ҳолати қуйидагича баҳоланган: 1 даража - бирта қисми бўялиши - қониқарли гигиена даражаси 2 - даража 2-3 қисми бўялиши - ўртача гигиена даражаси, 3 даража - 1, 2, 3, 4 сегментларни бўялиши - қониқарсиз гигиена даражаси, 4 даража –олиб қўйиладиган протезларнинг оғиз бўшлиғининг шиллик қаватига қараган бутун юзасини бўялиши гигиенанинг ҳаддан ташқари ёмон даражаси. Баҳолаш мезонлари: тиш протезининг гигиеник ҳолатининг 1-даражали баҳоланиши бу яхши даража бўлиб; бундай вазиятда (беморга мутахассис маслаҳати талаб қилинмайди); тиш протезининг 2-даражали баҳоланиши бу оғиз бўшлиғи гигиенасининг қониқарли даражаси бўлиб, бундай ҳолатда (тиш қарашлари ва тошларни тозалов ишларини олиб бориш талаб қилади); тиш протезларининг 3-даражали баҳоланишида оғиз бўшлиғи гигиенасининг қониқарсиз даражаси бўлиб (тишларни тозалашда ишлатиладиган гигиеник воситаларни танлаш, гигиеник қоидаларни ўргатиш, ҳамда оғиз бўшлиғи тозалик даражасини кузатиб боришни талаб қилади); тиш протезининг 4 даражали баҳоланиши бу бемор оғиз бўшлиғи гигиенасининг критик даражаси бўлиб (бу вазиятда гигиеник ишларни олиб боришни ўргатиш, шахсий гигиена воситаларини танлашда мутахассис билан маслаҳатлашиш, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини мутахассис назоратига олиш, терапевт стоматолог ва пародонтологлар билан биргаликда оғиз бўшлиғи санация ишларини олиб бориш муҳимлигини беморга тушунтириш ишлари олиб борилади).

Юзнинг тўғри, ботиқ ёки қабариклиги аниқланган. Юз профили типини аниқлаш учун тўғри тўртбурчакли рангсиз пластинка (15 x 5 см) ишлатилган. Ўртасидан вертикал перпендикуляр тўғри чизик ва қўндалангига ҳам ўртасидан чизик чизилган бўлади. Чизиклар кесишган нуқтадан вертикал чизикқа нисбатан 5° остида пастга қараб вертикал чизик икки томонидан иккита чизик чизилади. Юз профили типини аниқлашда рангсиз пластинкани 1-2 мм узокликда юзнинг ён томонидан қўйилади. Пластинкадаги қўндаланг чизик юқори лабга тўғри келиши керак, вертикал чизик эса пешонанинг энг бўртган қисмига тегиши керак.

Рентгенологик текширув методлари: тишлар, жағлар ва ЧПЖБ ни функционал таҳлил қилишда муҳим жиҳат рентгенография ҳисобланади.

Бўғим жуфт бўлганлиги учун ЧПЖБ нинг рентгенологик текшируви беморларда бир ёки иккала бўғимларда ноқулайлик борлигидан қатъий назар, иккала томондан ўтказилган. А.В. Кузакова (2012) томонидан дентал компьютер томографиясида ЧПЖБ ни текшириш учун таклиф қилинган усулдан фойдаланилган. Компьютер томографияси ёрдамида ЧПЖБни ўрганиш ўнг ва чап бўғимларда амалга оширилган. Пастки жағ бошчаси ва бўғим чуқурчаси параметрлари ўрганилган.

Тадқиқот жараёнида тўрта чайнаш мушагининг электрик потенциали ёзиб борилган. Мазкур иш доирасида чайнаш намунаси ўтказилганида қуйидаги босқичлар баҳоланган: ихтисослашган функциянинг йўқлиги, жағларнинг максимал сиқилиши, чайнаш, нутқ зўриқиши. Мушакларнинг тонусини аниқлаш учун чайнов мушакларининг юзаки электромиографияси «Синапис» ускунасида (Россия) даволашдан олдин ва кейин амалга оширилган. Чайнов ҳаракатларини амалга оширишда мушакларнинг тонусини аниқлаш учун чайнов мушакларининг электромиографияси (чакка ва хусусий чайнов мушаклари) ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган кўрсатмаларга мувофиқ электродларни терига маҳкамлаш билан чайнаш ва кучланиш

ҳолатида юзаки усул билан амалга оширилган.

Оғиз бўшлиғи суюқлигининг рН қийматини аниқлаш- қуйидаги амаллар бажарилиши орқали беморларнинг оғиз бўшлиғи суюқлигини йиғилиб унинг рН қиймати аниқланган. Бемордан ютинмасдан, тил ва лабларини қимирлатмаган ҳолда бошини олдинга тушириб туриши таъкидланган. Шу тариқа оғиз суюқлиги 120 секунд давомида йиғилган, йиғилган барча оғиз суюқлиги махсус идишга олинган. Оғиз бўшлиғидан олинган суюқликнинг рН ни аниқлаш учун (рН-метр) дан фойдаланилган. рН-метрнинг таркибидаги махсус қурулмалар бўлганлиги сабабли натижани бир неча сония ичида олиш имконини берган.

Ўрганган беморлар гуруҳларида протезлашдан олдин ва кейин микробиологик тадқиқотлар ўтказилган. Бунинг учун беморларга овқатланишдан 2 соат кейин оғзини дистилланган сув билан чайиш таклиф қилинган, сўнгра уларнинг оғиз суюқлигини стерил идишга йиғилган.

Хулоса

Олинган материалдан лабораторияда кетма-кет суюлтиришлар серияси тайёрланган, шундан сўнг уларнинг маълум ҳажми дифференциал-диагностика озуқа муҳитлари юзасига қуйилди: анаэроблар учун агар, Эндо муҳити, сут-гузли агар, Калина муҳити, қонли агар, МРС-4 муҳити, Сабуро муҳити ва бошқалардан фойдаланилган. Тадқиқотда қонли агар, эндо муҳитида, сут-гузли, Сабуро сингари муҳитларда нормал шароитда 18-24 соат давомида, 37°C ҳароратда бактериялар ўстирилган. Анаэроб микробларни ажратиш учун экишда уларни табиий газбилан тўлдирилган муҳрланган полиэтилен пакетларда ўстириш усулидан фойдаланилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Rajabov A.I., Saidov A.A. Prostheses Taking into Account the Anatomical, Functional and Microbiological State of The Oral Cavity with Partial Toothlessness // Journal of intellectual property and human, 2023 April; 2(4):36-40.
2. Раджабов А.И., Саидов А.А. Оғиз бўшлиғи анатомо-функционал хусусиятларини инобатга олган ҳолда қисман тишсизликни ортопедик даволаш // Гуманитар ва табиий фанлар журнали, 2024;12(7):96-98.
3. Раджабов А.И., Саидов А.А. Қисман тишсизликда оғиз бўшлиғи анатомо-функционал ҳолатини инобатга олиб ортопедик даволаш // Доктор Ахборотномаси. - Самарқанд, 2025;2(119):45-53. (14.00.00; № 22).
4. Раджабов А.И., Саидов А.А. Ортопедическое лечение с использованием современных зубных протезов при частичной беззубности // Новый день в медицине 4(78)2025 414-417 (14.00.00; № 22). https://newdayworldmedicine.com/ru/new_day_medicine/4-78-2025
5. Раджабов А.И., Саидов А.А. Қисман тишлари бўлмаган беморларда оғиз бўшлиғи аъзоларини баҳолаш усуллари // Ўзбекистон тиббиёт журнали- Тошкент., 2025;3:80-87. (14.00.00; № 22).
6. Раджабов А.И., Саидов А.А. Қисман тишсизлиги мавжуд беморларда олинган пластинкали протезлардан фойдаланиш орқали асоратларнинг асосий сабабларини бартараф этиш услублари // Вестник ассоциации пульмонологов центральной азии. Тошкент, 2025;4(9):140-143.
7. Radjabov A.I., Saidov A.A. Taking into Account the Anatomical Position of the Oral Cavity in the Treatment of Partial Toothlessness // American Journal of Medicine and Medical Sciences. 2025;15(5):1491-1497.

Қабул қилинган сана 20.08.2025